

“КОНЦЕПТ, КАТЕГОРИЯ ВА ФРЕЙМ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ”

Akhrorova Ruzikhon Usmanovna

f.f.f.d., PhD

Расулов Нодирбек Абдунабиевич

ФарДУ, 2-курс лингвистика (инглиз тили) магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7273165>

Аннотация. Мақолада когнитив тилшуносликда “концепт” терминининг қўлланишига доир назарий қарашлар, категория ва фрейм терминларининг ифодаланиши хусусиятлари ва концепт терминининг лингвомаданиятшуносликдаги ўрни ва аҳамияти муаммоларига бағишланган.

Калит сўзлар: фрейм механизмлар, концептуаллашиши, когнитив, лексик-семантик, морфологик, лексик, семантик хусусиятлар, баҳолаш маъноларининг прагматик аспекти, ижтимоий, маданий, моҳият, фалсафий, психологик, мантиқий, мардлик, концепт, тушунча.

"ВЫРАЖЕНИЕ ПОНЯТИЯ, КАТЕГОРИИ И РАМОЧНЫХ УСЛОВИЙ"

Аннотация. В статье рассматриваются теоретические взгляды на употребление термина «концепт» в когнитивной лингвистике, особенности выражения категорийных и фреймовых терминов, а также проблемы роли и значения термина-концепта в лингвистике и культурологии.

Ключевые слова: фрейм, механизмы, концептуализация, когнитивные, лексико-семантические, морфологические, лексические, семантические признаки, прагматический аспект оценки значений, социальный, культурологический, сущностный, философский, психологический, логический, мужество, концепт, понимание.

"EXPRESSION OF CONCEPT, CATEGORY AND FRAME TERMS"

Abstract. The article deals with the theoretical views on the use of the term "concept" in cognitive linguistics, the features of expression of category and frame terms, and the problems of the role and importance of the term concept in linguistics and cultural studies.

Key words: frame, mechanisms, conceptualization, cognitive, lexical-semantic, morphological, lexical, semantic features, pragmatic aspect of evaluation meanings, social, cultural, essence, philosophical, psychological, logical, courage, concept, understanding.

КИРИШ

Жаҳон когнитив тилшунослигининг кўзга кўринган йирик намоёндаларидан бири, рус олимаси Е.С.Кубрякованинг фикрича “Когнитив тилшунослик тил ҳақидаги фаннинг нисбатан янги, истикболли бир йўналиши бўлиб, унинг таҳлил марказида тил, яъни маълумотни воқелантириш (кодлаштириш, калитлаштириш) ва трансформация қилиш, яъни узатишда муҳим роль ўйновчи белгилар тизимини уларнинг когнитив асоси билан узвий боғлиқликда олиб тадқиқ қилади”.

Олима фикрига кўра когнитив тилшунослик тил ҳодисаларини тафаккур жараёнлари билан узвий боғлиқликда тадқиқ қилади, шу билан бирга инсон томонидан тилнинг ўрганилиш механизмлари ва концептуаллашиш ҳамда лексик категориялашиш жараёнлари орқали бизни ўраб турган объектив борлиқ ҳақидаги билимларимизнинг

таркиб топиш тамойилларини очиб берилиши, тушунтирилиши ва ёритилишига пухта замин яратади.

МЕТОД ВА МЕТОДОЛОГИСИ

Когнитив тилшунослик – тилни умумий когнитив механизм сифатида ўрганувчи фандир. В.З.Демьянков фикрига кўра, унда тил структураларининг ахборотни қайта ишлашдаги роли нутқ яратилиши ва идрок этилиши нуктаи назаридан ўрганилади. Бунда нутқ яратувчи ва уни идрок этувчи субъектлар – сўзловчи ва тингловчига ахборотни қайта ишловчи тизим сифатида қаралади.

Когнитив тилшуносликда концептуаллаштириш ва категориялаштириш жараёнлари катта аҳамият касб этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, “Концептуаллаштириш инсон тажрибаси – билимлари таркиби (мажмуаси)сининг минимал маъноли бирликларини фарқлашга йўналтирилган бўлса, категориялаштириш жараёни ўхшаш бирликларини бир биридан фарқлаб, турлаштириб, уларни нисбатан йирикрок бўлган туркумларга, тўғрироғи категорияларга бирлаштиришга қаратилгандир”. Бундай ҳолатда тилда сўзловчи/ёзувчи объектив борлиқни қандай ҳис қилади ва уни қандай идрок қилади каби саволларга жавоб бериш, шунингдек маълум тил эгаси бўлмиш реал оламда дунёнинг объектив манзарасининг шаклланишида қандай объектив ва субъектив лисоний омиллар мавжудлигини аниқлаш эса катта роль ўйнайди. Бундан ташқари тилда мулоқот олиб борувчи мазкур оламда мавжуд объектив борлиқни қандай вербал воситалар орқали тилга хос тил манзараси орқали воқелантирилиш усуллари ва лисоний ифодалаш техникаларини ўрганиш ҳамда тадқиқ қилиши муҳим роль ўйнайди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАСИ

Ҳозирги пайтда ўзбек тилшунос олимлари (Д.Ашурова, Ш.Сафаров, Ў.Юсупов, М.Д.Джусупов, А.Абдуазизов, А. Маматов, Ж.Ёқубов, Р.Ахророва ва бошқалар.) когнитив тилшуносликнинг таянч тушунчаларидан бири бўлган концепт муаммоларига қаратилган тадқиқотлари билан лингвомаданиятшунослик соҳасига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда.

Ш.Сафаров ўзининг “Когнитив тилшунослик” китобида концепт асосида тушунча, образ ва лисоний маъно умумлашмаси ётади, концептлар инсон онгида шаклланадиган турли категорияларнинг асосини ташкил қилади ҳамда улар учун таянч нукта бўлиб хизмат қилади”, деб ёзади.

Д.У. Ашурованинг концептга бўлган нуктаи назари қуйидагича: концепт — бу уйғун бирлик ҳосил қилувчи ментал тузилма бўлиб, у олам тасвирининг ядровий компоненти сифатида лингвомаданий аҳамиятга эга бўлган алоҳида шахсга ва бутун жамиятга тегишли бўлади”.

Ў.Қ. Юсупов концептни шундай таърифлайди “Концепт - бу онгимизда мавжуд ташқи ёки ички дунёдаги бирор нарса ёки ҳодиса ҳақидаги билимлар мажмуаси, у ҳақидаги образлар ва унга бўлган ижобий, салбий ёки нейтрал муносабатдир”.

МУҲОКАМА

А.Э. Маматов концепт структурасига ва унинг моҳиятига эътибор қаратиб, шундай ёзади: “Концепт мураккаб структурага эга бўлиб, бир томондан, тушунчанинг барча қирраларини қамраб олса, бошқа тарафдан уни маданиятнинг бир кўриниши сифатида ифода этувчи дастлабки омиллар, яъни у ёки бу тушунчанинг этимологияси, тарихи, ҳозирги кундаги ассоциативлиги, кадр- қимматлилиги, коннотацияларини қамраб олади”.

Халиллаев Адилбек Курамбаевич ўз тадқиқот ишида концепт ҳақида назарий қарашларнинг барчасини умумлаштириб, концепт категорияси иккита катта янги парадигмага ажратилди: лингвокогнитология ва лингвомаданиятшуносликда ишлатилганлиги сабабли фанлараро мақомга эга бўлиши исботлаб берган.

Когнитив тилшуносликда "фрейм" тушунчаси - бу мавҳум тасвирнинг модели, объект, ҳодиса, вазият, жараённинг моҳиятини энг кичик тавсифидир. Сценарий фрейми – бу ҳаракат, концепт ёки ҳодисанинг характерли элементларини ўз ичига олган ҳаракат, концепт ёки воқеа учун одатий тузилма шаклида қўлланиши маълум бўлди.

Бугунги кунда "концепт" тушунчасини ўрганишда иккита асосий ёндашув замонавий тилшунослик фанида ажратиб кўрсатилди: когнитив ва лингвомаданиятшунослик. Бундай ёндашув - тил ва маданият ўртасидаги шубҳасиз боғлиқликни тасдиқлашдан иборат.

Ҳозирги кунда лингвомаданиятшунослик соҳасида бажарилаётган тадқиқотлар асосан тил ва маданият мослигини синхрон тарзда ўрганиш ва тасвирлашга бағишланганлигини сабаби, бир томондан лингвомаданиятшунослик тилдаги инсон маданий омилга, иккинчи томондан инсондаги тил омилига йўналтирилганлиги аниқланди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, лингвомаданиятшунослик - инсон ҳақидаги фаннинг бир қисми эканлиги, унинг тортиш маркази эса маданият феномени дейишга асос бўлди. Бу ҳолат эса ҳозирги пайтда концепт лингвомаданиятшуносликнинг асосий тушунчаларидан бири сифатида кўрилиши лозим деб тушунмоқ лозимдир.

REFERENCES

1. Akhrorova R.U. Semantic analysis of phraseological units representing “youth” in French and Uzbek languages. *Theoretical & Applied Science*, – 2021. № 7. – P. 122-126.
2. Akhrorova R.U. Semantic analysis of phraseological units representing age periods in French and Uzbek languages. *Theoretical & Applied Science*, – 2020. № 3. – P. 186-189.
3. Akhrorova R.U. (2021/9/28). The Linguistic Image of The World and The Gender Aspect of The Concept of “Age” In French and Uzbek. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 101, 585-589.
4. Akhrorova R.U. (2021/7/23). Semantic Analysis of Phraseological Units Representing “Youth” in French and Uzbek Languages. *International Scientific Journal Theoretical & Applied Science*, 99, 122-126.
5. Akhrorova R.U. NAMING OF THE “AGE” CONCEPT. «Science and innovation» xalqaro ilmiy jurnali, 20.10.2022. – P. 178-182.
6. Akhrorova R.U. Жаргон ва аргона. *Analytical Journal of Education and Development*, 2022. 2. 10. –Б. 93-96.
7. Akhrorova R.U. Концептнинг кўп ўлчамлилиги. *Analytical Journal of Education and Development*, 2022. 2. 10. –Б. 107-110.
8. Akhrorova R.U. Тилшуносликда концепт тушунчасининг қўлланилиши. *Analytical Journal of Education and Development*, 2022. 2. 10. –Б. 107-110.
9. Akhrorova R.U. Тилшуносликда сленг атамаси ва унинг ўрни. *Analytical Journal of Education and Development*, 2022. 2. 10. –Б. 89-92.

10. Akhrorova R.U. Lexical-Semantic Expression of “Childhood/Enfance” In Uzbek and French Languages. *Modern Journal of Social Sciences and Humanities*, 2022. 9. 10. –Б. 74-77.
11. Akhrorova R.U. Social and Biological Characteristics of the Language. *International Journal of Culture and Modernity*, 2022. 18. 07. –Б. 17-25.
12. Халиллаев Адилбек Курамбаевич. Испан ва ўзбек тилларида “HOMBRÍA” / “МАРДЛИК” концепти қўлланишининг лингвокогнитив ва лингвомаданий хусусиятлари. Автореферат.ф.ф.ф.д., 2021.